

«МУСАЛЛАС» ТУРИДАГИ ЛУҒАТЛАРНИНГ АРАБ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИДАГИ ЎРНИ

Sirojiddin Sotvoldiev

Teacher of the Department of Oriental Languages

Oriental University

sirojiddinsotvoldiyev454@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Араб тили ва ёзуви тарихига назар ташланса, унинг инсоният тамаддунидаги ўрни, ўзига хос тараққиёт йўли, бошқа тиллар тизимида учрамайдиган лексик, морфологик ва синтактик хусусиятлари яққол намоён бўлади. Бу эса унда кечаётган ҳар бир жараёнга хусусий ёндашувни тақозо этади. Жумладан, араб тилидаги омонимия, паронимия ва вариантдошлик ҳодисаларини умумий тилишунослик қоидалари асосида ўрганиш кўзланган натижага олиб келмаслиги мумкин. Бунда нафақат талаффуз, балки ёзув хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки араб ёзувининг илк шаклланиш босқичида товушларни ёзувда ифодалашда ҳозиргидек диакратик белгилар ва қисқа унли ҳаракатларга эҳтиёж сезилмагани сўзларнинг шакл муносабатида кўра турлари жуда кенг қамровли бўлишига хизмат қилган. Қолаверса, махражлари (ҳосил бўлиш ўрни) бир-бирига яқин ҳарфларнинг мавжудлиги ҳам мазкур ҳодисалар араб тилида ўзига хос намоён бўлиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Ушбу мақолада араб тилишунослигида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи шаклдошлик ҳодисаси тадқиқ этилган. Араб тилида ёки ёзувида битилган манбаларни тадқиқ этаётган матнушунос-манбашунос қатор қийинчиликларга дуч келади. Жумладан, бир хил ёзиладиган, бироқ турлича талаффуз қилинадиган сўзлар – омонимлар, паронимлар ва сўз вариантларининг хусусиятларини билиш манбашунос учун жуда муҳим.

Шаклдош-талаффуздош сўзларни тадқиқ этиш ўзбек шарқшунослиги учун янги мавзу бўлмаса-да, уни ўрганиш методлари юзасидан ҳозиргача умумий нуқтаи назар мавжуд эмас. Бундай сўзларни назарий ва амалий баҳолаш, аниқлаш ва тасниф қилишида ҳатто араб тилишунослигида ҳам бир неча гуруҳга бўлиниш ҳолатлари учрайдики, бу ҳам мавзунинг мураккаб эканини кўрсатади.

Калит сўзлар: шаклдошлик, омоним, пароним, сўз вариантлари, мусаллас, уржуза лугат, лексикография, шаклдош-талаффуздош сўзлар, Қутруб, Ибн Молик, ал-Баталявсий.

DICTIONARIES OF "MUSALLAS" PLACE IN ARABIC LEXICOGRAPHY

ABSTRACT

If you look at the history of the Arabic language and writing, its role in human civilization, the way of its own development, and the lexical, morphological and syntactic features that are not encountered in any other language system are evident. This requires a separate approach to each process undergoing it. In particular, the study of the phenomenon of aromatic, paronymic, and variation in Arabic on general linguistic principles may not lead to the intended result. It is important to consider not only the pronunciation but also the peculiarities of the writing.

This is because in the early stages of the formation of Arabic writing no voice was required, as in the present diacritical signs and short vowels, which contributed to the wide variety of words according to the form. In addition, the presence of letters close to each other, which is one of the key factors for the emergence of these phenomena in Arabic. This article explores the phenomenon of formation that is manifested in Arabic linguistics. The textual scholar-source researcher who studies sources written in Arabic or in writing faces a number of difficulties. In particular, it is important for the source researcher to know the characteristics of the words, pronouns, phrases and words that are written in the same but different way.

Although word-research is not a new topic for Uzbek Orientalism, there is still no consensus on how to study it. In theoretical and practical evaluation, identification, and classification of such words, even in Arabic linguistics, there are cases of grouping, which indicates the complexity of the subject.

Keywords: *Formation, Hadeem, Paronim, Vocabulary, Muscle, Vocabulary, Lexicography, Vocabulary, Qutrub, Ibn Malik, al-Batalawsi.*

МЕСТО СЛОВАРЯ ТИПА “МУСАЛЛАС” В АРАБСКОЙ ЛЕКСИКОГРАФИИ

АННОТАЦИЯ

Если вы посмотрите на историю арабского языка и письменности, то ее роль в человеческой цивилизации, ее конкретный путь развития, а также ее лексические, морфологические и синтаксические особенности, которых нет ни в одной другой языковой системе, очевидны. Это требует отдельного подхода к каждому процессу. В частности, изучение феномена ароматических, паронимических и вариаций в арабском языке на общих лингвистических принципах может не привести к намеченному результату. Важно учитывать

не только произношение, но и особенности написания. Это связано с тем, что на ранних этапах написания на арабском языке при написании звуков диакритические знаки и короткие гласные не нужны, что является причиной широкого разнообразия слов. Кроме того, наличие букв близко друг к другу, что является одним из ключевых факторов возникновения этих явлений на арабском языке.

В этой статье исследуется феномен образования, который проявляется в арабском языкознании. Исследователь текстovedения, изучающий источники, написанные на арабском или письменном языке, сталкивается с рядом трудностей. В частности, для исследователя источника важно знать характеристики слов, местоимений, фраз и слов, которые написаны одинаково, но по-разному.

Хотя словообразование не является новой темой для узбекского ориентализма, до сих пор нет единого мнения о том, как его изучать. При теоретической и практической оценке, идентификации и классификации таких слов, даже в арабской лингвистике, существуют случаи группировки, что указывает на сложность предмета.

Ключевые слова: омонимы, паронимы, варианты слова, мусаллас, словарь глоссария, лексикография, Кутруб, Ибн Малик, ал-Баталяусий.

Кириш

Нахвшунослар араб тилида «al-mushtarak^u al-lafziyu^u» сўзларни намоён бўлиш белгиларига қараб муайян йўналишларга тақсимлайдилар. Биринчи йўналиш «اختلاف الحركات و المشترك اللفظي» ('ikhtilāf^u al-harakātⁱ wa al-mushtarak^u al-lafziyu^u) (деб номланиб, бунда бир хил ўзакли, фақатгина қисқа ҳаракатлар (унли товуш) билан фарқланувчи шаклдош сўзлар ўрганилади. Масалан: وَجَدَ (wajada) – топмоқ; وَجَدَ (wajada) – бой бўлмоқ; وَجِدَ (wajida) – аза тутмоқ.

Бу ерда учала сўзнинг ҳам ўзаклари бир хил (wjd), аммо иккинчи ўзак ҳарфининг ҳаракатида (wajada – wajida) фарқ мавжуд ва маъно ҳам турлича.

Мазкур йўналишга тааллуқли шаклдош-талаффуздош сўзлар асосига қурилган, таъбир жоиз бўлса, санъат даражасига кўтарилган тармоқ ҳам борки, унинг шаклланиши ва тараққиётини Қуръони карим сўзларини тафсир қилиш ва ҳадиси шарифларни шарҳлаш натижасида тўпланган бой тажриба ҳамда араб насри ва шеърийнинг бадиий талқин имкониятлари билан боғлаш тўғри бўлади. Бу сўз санъати «мусаллас» деб номланади ва омонимлар (مشترك لفظي), паронимлар (مشترك الجذر) ва сўз вариантларини (تنويع) ўз ичига қамраб олади.

Материал ва метод

«المثلث» (al-muthallath) ёки «التثليث» (at-tathlīth) сўзи араб тилида бирор нарса-буюмни унинг уч жиҳатига кўра тавсифлашни англатади. «Lisān^u al-‘arabⁱ» луғатида бу сўз куйидагича изоҳланган:

و أرض مثلثة: لها ثلاثة أطراف... و شيء مثلث: موضوع على ثلاث طاقات

«Мусаллас ер... унинг учта чети (томони) бўлади. «Мусаллас» нарса: уч дастак устига қўйилган нарсадир»²⁴.

Шунингдек, «Tahdhīb^u al-lughatⁱ»да ҳам шунга яқин маъно келтирилган:

(قال الليث: المثلث ما كان من الأشياء على ثلاثة أثناء)

«Лайс айтади: «Мусаллас» уч шарт устига қўйилган нарсаларнинг умумий номидир»²⁵.

Қоҳира Араб тили академияси томонидан тайёрланган «Al-mu‘jam^u al-kabīr^u» номли луғатда бу сўз жуда батафсил ёритилган. Ундан айрим лавҳаларни келтирамиз:

«ثلاث» (thalāth) – бу сўз аккад, иброний, қадимги оромий, сурёний, жанубий араб ва ҳабаш тилида бир-бирига яқин талаффуз қилинади ва барчасида «уч» сонини англатади.

«تثليث» (tathlīth) – Нажд яқинидаги энг катта водийлардан бирининг номи. Яна Макка яқинидаги жойни ҳам шундай атайдилар. Яна Бану Уқайл ўлкаларидан бири ҳам дерлар. Яна «Гамим диёрларидан» ҳам демишлар.

«Масиҳийлар эътиқодида «تثليث» (tathlīth) тушунчаси ҳам бўлиб, бу ботил эътиқод замирида «ота», «калима» ва «руху-л-қудус» бирликлари туради.

«ثالث» (thālith) – икки сонидан сўнг келувчи тартиб сон, яъни учинчи дегани. Арабларда «уларнинг бири» маъносида қўлланувчи «هو ثالث ثلاثة» (huwa thālith^u thalāthatⁱⁿ), яъни сўзма-сўз «учтанинг учинчиси» ибораси ишлатилади.

«الثالثة» (ath-thālithat^u) – фалакшунослар наздида сониянинг бир бўлагидир. Яъни вақт ўлчов бирлигида сониядан кичик бирлик саналади.

«ثُلُوثٌ ثَلَاثِيٌّ» (ath-thulāthiyy^u) – уч ашёга нисбат берилган ном. Масалан, «ثُلُوثٌ ثَلَاثِيٌّ» дейилса, узунлиги «уч зироъ кийим» англанади. Ёки «كَلِمَةٌ ثَلَاثِيَّةٌ» дегани уч ўзак ҳарфли сўз демакдир.

«Муҳаддислар наздида сулосий» – ривоят қилаётган шахс (мухриж) ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам орасида фақат уч нафар ровий бўлган ҳадисни назарда тутаяди. Масалан, «Thulāthiyyāt^u al-Bukhāriyyⁱ»да имом Бухорий ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам орасида фақат уч нафар ровий бўлган ҳадислар жамланган.

²⁴ Ibn Manzūr. Lisān^u al-‘arabⁱ. 2-jild. –Bayrut: Dār^u Ṣādir. -Ҷ.428.

²⁵ Tahzibu-l-lug^{at}. 15/61

Шунингдек, ўрта асрларда фанларни ўзаро яқинлигига кўра гуруҳларга ажратиш ҳам урф бўлганди. Жумладан, «الثلاثي الأدنى» (ath-thulāthiyy^u al-adnā) гуруҳига грамматика, нотиклик ва жадал (тортишув) фанлари киритилган. Бу учлик фанда «trivium» деб ҳам аталади.

«المثلث» (al-muthallath) – учдан бир қисми қолгунча қайнатиладиган ичимлик. Бу мусаллас атамасининг халқ орасидаги энг машҳур маъноси саналади.

Ҳандаса (геометрия) фанида ҳам «المثلث (al-muthallath)» атамаси қўлланилиб, унга «ўзаро кесишувчи кесмалар билан чегараланган геометрик шакл» деб таъриф берилади. Бу учбурчакнинг айна ўзидир. Учбурчакнинг эса тўғри бурчакли, тенг томонли каби бир неча турлари мавжуд.

Математиклар наздида эса «мусаллас» учта тўғри чизик билан қуршаб олинган сатҳни англатади.

Тиббиётда ҳам «мусаллас» тушунчаси мавжуд бўлиб, экстракт (шарбат)дан олинадиган суюқликка нисбатан қўлланади. Унинг тайёрланишида уч асосий хом-ашё ишлатилиб, то аралашманинг учдан бири қолгунча қайнатилади...»²⁶

Демак, луғатда «таслис», «мусаллас» ва «маслус» сўзларининг барчаси учта асосга ишора қилар экан.

Натижалар

Тилшунослик истилоҳида ҳам «мусаллас» сўзи учта асосни англатади. Тилшунослар бу атама замирида шаклан ўхшаш учта ўзакни жамлайдилар. Ушбу сўзлар тўлиқ омонимлик ҳосил қилиши, бир ёки икки қисқа ҳаракат билан фарқланиши мумкин. Ҳаракатлари ўзгарса-да, маънода ўзгариш кузатилмайдиган мусаллас (маъноси бир хил) – «المتفق» (al-muttafiq) деб аталади. Агар маънода ҳам ўзгариш юз берса, у ҳолда (турлича) – «المختلف» (al-mukhtalif) дейилади. Албатта, мазкур турдаги мусалласни ташкил қилган сўзларга нисбатан ўзакдош терминини қўллаш тўғри бўлмайди. Уларнинг ҳар бири мустақил ўзаклар бўлиб, ўзаро шаклдошлик ҳосил қилган.

Масалан, Ибн Хишом Лахмий Абул Ҳасан Ахфашдан ривоят қилиб келтирган мисол: «السم» ўзагига эга учта сўз бор – касрали «син», фатҳали «син» ва ли «син». Бу «син» мусалласи деб номланади ва тилшуносларнинг эътирофича, биринчи мусалласдир»²⁷. Яъни:

- السَّمُّ – заҳар;
- السَّمُّ – заҳарлаш;
- السَّمُّ – игна тешиги.

²⁶ Al-mu'jam^u al-kabīr^u. 3-jild. -Al-Qāhirat^u, 1997. –S.85-98.

²⁷ Tavfiq^u Muḥammad^{un} Shāhin^{un}. Al-mushtarak^u al-lughawiyy^u: nazariyy^{an} wa taṭbīq^{an}. –al-Qāhirat^u: Maktabat^u Wahbat^a, 1980. –S.12.

Тилшуносликда «мусаллас» терминини илк бор шу номли дастлабки тадқиқот муаллифи деб ҳисобланувчи Муҳаммад ибн Мустанир Қутруб (IX аср) «اسم يري في الكتابة واحدا و يصرف علي ثلاثة أوجه»²⁸, яъни «ёзилиши бир хил, турланиши ҳар хил»²⁸ бўлган учта сўзга нисбатан қўллаган. Кейинчалик яшаб ўтган олим Ибн Саййид Баталявсий эса Қутрубнинг юқоридаги асарига шарҳ битиш билан бир қаторда, ўз «Мусаллас»ини тузди ва унда:

«ما اتفقت أوزانه و تعادلت أقسامه و لم يختلف الا بحركة فانه فقط او بحركة عينه فقط أو كانت فيه
ضمتان تقابلان فتحتين و كسرتين»²⁹

яъни «вазnlари ўзарo мос, қисmlари тенг, фақат бир ёки икки ҳаракат билан фарқ қилувчи» сўзларни жамлади.

Яъқуб Фаллоҳий эса ўзининг «Ибн Саййид Баталявсий ва луғатчиликдаги ўрни» рисоласида мусалласга «ўзакда, вазнда ва ҳарфлар тартибида ўзарo ўхшаш, биринчи ёки иккинчи ўзак ҳаракатида фатҳа, ва касра билан фарқ қилувчи учта калиманинг маънода бир ёки турлича бўлиши асосига қурилган услуб»³⁰ деб таъриф беради.

Юқоридаги таърифларни «мусаллас» учун берилган тўлиқ таъриф деб бўлмайди. Масалан, бир қисқа ҳаракат билан фарқ қилувчи сўзлар мусалласига «غمر» (ghmr) ўзаги бўйича мана бу сўзларни келтириш мумкин:

«الغَمْرُ» – «сув тўла челақ»;

«الغَمْرُ» – «тажрибасиз, ғўр»;

«الغَمْرُ» – «ҳикд, ҳасад».

Шундай мусалласлар ҳам борки, унда икки қисқа ҳаракат билан фарқ қилувчи сўзлар жамланган. Масалан:

«السَّمْسَمُ» – «тулки»;

«السَّمْسَمُ» – «қизил чумоли»;

«السَّمْسَمُ» – «сирач ўсимлиги».

Айнан шу ҳолатни назарда тутиб, Ибн Саййид Баталявсий ўз таърифида «...ёки икки ҳаракат билан фарқ қилувчи» деган иборани қўшимча қилган эди. Шулардан келиб чиқиб, мусалласнинг аниқ таърифини қуйидагича келтириш мумкин: «ўзакда, вазнда ва ҳарфлар тартибида ўзарo ўхшаш, биринчи ёки иккинчи ўзак ҳаракатида ёки иккала ўзак ҳарфининг ҳаракатида фатҳа, ва касра билан фарқ қилувчи учта калиманинг маънода бир ёки турлича бўлиши асосига қурилган сўз санъати».

²⁸ Qutrub^u. Al-muthallath^u. –Bayrut, 1990. –S.5.

²⁹ 'Ibn^u as-Sayyidⁱ al-Batalyawsiyy^u. Al-muthallath^u. – Baghdad: Dār^u Rashīd, 1983. –S.3.

³⁰ Ya'qūb Fallāhiy. 'Ibn^u as-Sayyidⁱ al-Batalyawsiyy^u wa juhūduh^u fī al-lughatⁱ. –Bayrut, 1999. –S.98.

Мунозара

Кейинги тадқиқотларга назар солсак, атамани изоҳлашда дадил қадамлар ташлангани аён бўлади. Хусусан, Ризо Сувайсийнинг таърифи бўйича, «мусаллас» ёки «мусалласлар» бир хил морфем таркибли учта сўзнинг мажмуасидир. Уларнинг ўзак ҳарфлари ҳам бир хил бўлади, фақат бир ёки иккита қисқа ҳаракат билан фарқ қилиши мумкин. Бу ҳаракат ўзгариши маънода ҳам ўз аксини топади³¹.

Тилшунос Сулаймон ибн Иброҳим Ойид мусаллас таркибига кирган сўзлардаги тафовут охирги ўзак ҳарфида бўлмаслиги зарурлигига эътибор қаратади. У шунингдек, феълларда ҳам «мусаллас»лик кузатилишини таъкидлаб, бунда асосий хусусият иккинчи ўзак ҳаракатида қисқа унли ҳисобига фарқнинг юзага келиши эканини кўрсатади.

Яна бир тадқиқотчи Саъд Ҳамдон Ғомидий эса XIII асрда яшаган Ибн Моликнинг шу мавзуга тааллуқли «Al-'Ikmāl^u al-'i'lāmⁱ bi-tathlīthⁱ al-kalāmⁱ» асарини ўрганар экан, «мусаллас» 3 та содда сўзнинг йиғиндиси экани, бу сўзлар ўзак ҳарфлари ва уларнинг тартибида бир хил шаклга эга бўлиши, фақат الفاء ёки العين ўрнидаги ўзак ҳарфининг қисқа ҳаракати билан, ёхуд ҳар иккисининг ҳаракати билан муайян тафовутни намоён қилишини қайд этади³².

Бундан маълум бўладигани, бу шаклий ўхшашлик фақат исм сўз туркумигагина хос эмас, балки феъл ва ҳарф сўз туркумларида ҳам – жуда кам ҳолатларда бўлса-да – «мусаллас»ларни кўриш мумкин.

Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, «мусаллас»нинг барча турларига намуналар кўриб ўтайлик. Исм сўз туркуми доирасида:

«الأَدْنُ» (al-'adhn^u) – «қулоққа урмоқ» (масдар);

«الإِدْنُ» (al-'idhn^u) – «руҳсат»;

«الأُدْنُ» (al-'udhn^u) – «қулоқ»³³.

Феъл сўз туркуми доирасида: а) ўтган замонда:

«عَلِمَ» – «у билди»;

«عَلِمَ» – «илмидан фахрланди»;

«عَلِمَ» – «юқори лабини ёрди»³⁴;

б) ҳозирги-келаси замонда:

«يَنْبَعُ» – «(булоқдан сув) чиқяпти»;

«يَنْبَعُ» – «терлаяпти»;

«يَنْبَعُ» – «кўриняпти».

³¹ Yahyā Murād. Al-muthallath^u li-'Ibnⁱ as-Sayyidⁱ al-Batalyawsiyyⁱ. – Baghdād: Dāru Rashīd, 1985. –S.129.

³² Ibn^u Mālikⁱⁿ. Al-'Ikmāl^u al-'i'lāmⁱ bi-tathlīthⁱ al-kalāmⁱ. –Bayrut, 2000. –S.25.

³³ 'Ibn^u as-Sayyidⁱ al-Batalyawsiyy^u. Al-muthallath^u. – Baghdād: Dār^u Rashīd, 1983. –S.19.

³⁴ 'Ibn^u as-Sayyidⁱ al-Batalyawsiyy^u. Al-muthallath^u. – Baghdād: Dār^u Rashīd, 1983. –S.238.

Феъл ва ҳарф сўз туркумлари ўртасида (бу жуда ноёб ҳолат бўлиб, Маждуддин Ферузободийдан биргина намуна нақл қилинади): «عُنْ» – «кўзга айлан!»; «عِنْ» – «(хабар) олиб кел!»; «عَنْ» – «ҳақида».

Иккита ҳаракат билан фарқ қилувчи сўзлар: «السِّمِّمُ» – «сирач ўсимлиги»; «السُّمُّمُ» – «қизил чумоли»; «السَّمِّمُ» – «тулки».

Ўзагида «иллатли ҳарф» бўлган сўзлар: «الْبُونُ» – «устунлар (кўн.)»; «الْبَيْنُ» – «(кўз илғагудек) ер майдони»; «الْبَيْنُ» – «ажратиш; жамлаш»;

Ўзагида ҳамза (ء) товуши иштирок этган сўзлар: «الْجُوِّيُّ» – «иш қуроли»; «الْجِنِّيُّ» – «кўлмак, чуқурлик»; «الْجَائِيُّ» – «қизил-қора аралашди (отга нисбатан)»;

Мазкурлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мусаллас «ўзақда, вазнда ва ҳарфлар тартибида ўзаро ўхшаш, биринчи ёки иккинчи ўзак ҳаракатида ёки иккала ўзак ҳарфининг ҳаракатида фатҳа, домма ва касра билан фарқ қилувчи учта калиманинг маънода бир хил ёки турлича бўлиши асосига қурилган» сўз санъати саналади.

Бизгача етиб келган «Мусаллас»ларнинг энг қадимийларидан яна бири Абу Исҳоқ Зужжож (вафоти ҳижрий 311 йил) қаламига мансуб асардир. У 16 та сўзни ўз ичига олган бўлиб, муаллиф ўз далилларини Қуръони Карим ва араб шеърятидан келтирган.

Ушбу соҳага доир яна бир асар – «Al-'awrāq^u min kitābⁱ al-muthallathⁱ» номли асар бўлиб, уни Абу Абдурраҳмон Қирвоний (ваф. ҳ. 412 й.) тузган. Қизикарли жиҳати шундаки, мусанниф ўз китобига фақат ўтган замон қолипидаги феълларни киритган.

Кейинги даврларда эса Қутрубнинг манзумасига назмий ва насрий шарҳлар ёзиш урфга кирган. Жумладан, Садидуддин ибн Баракот ал-Мухаллабий ал-Баҳнасий (XIII), Иброҳим ибн Ҳибатуллоҳ ал-Маҳаллий ал-Лахмий (XIV), Маждуддин ал-Ферузободий (1328–1414) томонидан ёзилган шарҳлар муҳим манбалардан саналади. Номи зикр этилган охириги шорих Маждуддин Ферузободийнинг шаклдош сўзлар мавзусига бағишланган «Kitāb^u al-ghurarⁱ al-mubaththathatⁱ wa ad-durarⁱ al-muthallathatⁱ» номли мустақил асари ҳам бор. Ферузободий ўзигача давом этиб келган «мусаллас» тузиш анъанасини сақлаган ҳолда ўзи ҳам қатор янги «мусаллас»лар билан китобини бойитган.

«Мусаллас» тузиш анъанасини XII асрда андалусиялик олим Ибн Саййид Баталявсий давом эттирди. Унинг асари тўла маънода изоҳли луғат талабларига жавоб бера олиши билан қимматлидир. Бу луғатнинг мўътабар нусхаси (1197 йилда кўчирилган) АҚШнинг Яле университети кутубхонасида сақланади. Қолаверса, Работ шаҳридаги Шоҳ кутубхонаси хазинасида сақланаётган нусха (1239) ҳам нисбатан қадимийдир³⁵.

³⁵ Kitāb^u al-ghurarⁱ al-mubaththathatⁱ wa ad-durarⁱ al-muthallathatⁱ (<http://k-tb.com/manuscrit/qyrwan1192>)

Араб тилшунослигининг бу тармоғида салмоқли хизмат қилган олим сифатида Ибн Молик (XIII) эътироф этилади. У шаклдош сўзларга оид учта рисола ёзиб қолдирган. Жумладан:

- «Al-'i'lām^u bi-tathlīthⁱ al-kalāmⁱ» – бу асар манзума бўлиб, 2704 байтдан иборат. Аҳмад ибн Амин Шинқитий унга шарҳ ёзган. Ушбу рисола 189 та сўз варианты, 1205 та омоним ва пароним сўзларни ўз ичига олган;

- «Al-'i'lām^u bi-muthallathⁱ al-kalāmⁱ» – насрий рисола бўлиб, 92 та сўз варианты, 697 та омоним ва пароним сўзларни қамраб олган;

- «Al-'Ikmāl^u al-'I'lāmⁱ bi-tathlīthⁱ al-kalāmⁱ» – насрда ёзилган ушбу рисола 163 та сўз вариантлари ва 2131 та омоним ва пароним сўзлардан тузилган.

«Al-'Ikmāl^u al-'I'lāmⁱ bi-tathlīthⁱ al-kalāmⁱ» асарининг мўътабар нусхаси ҳозирда Туркиянинг Файзуллоҳ Афанди кутубхонасида сақланаётгани маълум. 1324 йилда кўчирилган мазкур нусха «Al-muthallath^u al-musammāt^u» номи билан фихристга киритилган³⁶.

Ибн Молик мусаллас асарининг яна бир қадимий қўлёзмаси Дамашқнинг Зоҳирия кутубхонасида сақланмоқда. «Risālat^u fī tathlīthⁱ al-kalāmⁱ» деб номланган ушбу нусха 178 варақдан иборат бўлиб, насх хатида, 1337 йилда котиб Абдуррахмон ибн Абу Бақр томонидан кўчирилган³⁷.

Бундан ташқари, турли тарихий манбаларда «Мусаллас» услубида изоҳли луғат тузган, аммо асарлари бугунги кунгача сақланмаган мусаннифлар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Улар орасида Абу Зайд Ансорийнинг «At-tathlīth^u», Абу Абдуллоҳ Андалусийнинг «Ghāyat^u al-mārāmⁱ fī tathlīthⁱ al-kalāmⁱ», Абу Тоййиб ибн Яҳё Вашонинг «Al-muthallath^u», Абу Саҳл Ҳаравийнинг «Al-muthallath^u» ва яна бошқа кўплаб асарлар номларини кўриш мумкин.

Хулоса

Мухтасар айтганда, «мусаллас» туридаги луғатлар тартиб бериш асрлар мобайнида шаклланган илмий анъана бўлиб, ўз қонун-қоидалари ва тартиб-таомилларига эга. Хусусан, муаллифлар бундай луғатни тузишда қуйидаги шартларга қатъий риоя этиши лозим:

- араб тили лексикасига мансуб учта сўз битта «мусаллас» остида жамланади;
- бу сўзлар ўзак таркиби жиҳатидан бир хил бўлиши керак;
- сўзлар биринчи ўзак ҳарфининг ҳаракати ўзгаришига кўра, иккинчи ўзак ҳарфининг ҳаракати ўзгаришига кўра, учинчи ўзак ҳарфининг ҳаракати

³⁶ Al-muthallath^u al-musammāt^u (<http://k-tb.com/manuscrit/islamic3482>)

³⁷ Fihrist^u al-maktabatⁱ az-Zāhiriyyatⁱ. -Dimashq^u. 1990. –S.254.

ўзгаришига кўра, биринчи ва учинчи ўзак ҳарфининг ҳаракати ўзгаришига кўра таснифланади;

– «мусаллас»даги сўзлар ўзаро фақат бир ёки икки қисқа унли товуш ҳисобига фарқ қилиши мумкин;

– агар «мусаллас»даги сўзларнинг бир ёки икки қисқа унли товуши ўзгарса ҳам, маъноси бир хил бўлса, у ҳолда мутгафиқ деб номланади;

– агар «мусаллас»даги сўзларнинг бир ёки икки қисқа унли товуши ўзгариши билан уларнинг маъносида ҳам ўзгариш кузатилса, у ҳолда мухталиф дейилади;

– «мусаллас»лар луғатда алифбо тартибида жойлаштирилади, шунингдек, аввал исм сўз туркуми бўйича, сўнг феъл, кейин эса ҳарф сўз туркуми бўйича «мусаллас»лар ўрин олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ‘Umar ‘Ahmad Mukhtār. Al-mu’jam^u al-mawsū’iyy^u li-alfāzⁱ al-Qur’ānⁱ al-karīmⁱ wa qirā’ātihⁱ. -Ar-Riyād^u: Sutūr^u al-ma’rifatⁱ, 2002. – 1504 ʃ.
2. Jalāl^u ad-dīnⁱ as-Suyūṭiy^u. Al-’itqān^u fī ‘ulūmⁱ al-Qur’ānⁱ al-karīmⁱ. –Al-Madīnat^u: al-Malik^u Fahd^u, 2005. – 832 ʃ.
3. ‘Abd^u al-Qāhirⁱ al-Jurjāniyy^u. ‘Asrār^u al-balāghatⁱ. –Bayrūt: Dār^u al-kitābⁱ, 2001. – 120 ʃ.
4. ‘Ibn^u Durustawayh. Taṣṣūḥ^u al-faṣḥⁱ wa sharhihⁱ. –Al-Qāhirat^u, 2004. – 599 ʃ.
5. Al-Mubarrid^u. Ma-ttafaqa lafzah^u wa-’khtalafa ma’nāh^u. –Bayrūt: Dār^u al-’ilmⁱ, 2006. – 225 ʃ.
6. Ya’qūb Fallāhiy. ‘Ibn^u as-Sayyidⁱ al-Batalyawsiyy^u wa juhūd^u fī al-lughatⁱ. – Bayrut, 2009. – 356 ʃ.
7. Ibn^u Mālikⁱⁿ. Al-’Ikmāl^u al-’I’lāmⁱ bi-tathlīthⁱ al-kalāmⁱ. –Bayrut, 2000.
8. Muhammad^{um} Mukhtār. Tārīkh^u an-nahwⁱ al-‘arabiyyⁱ. –Bayrut, 2011. – 858 ʃ.
9. Ahmad^u Al-Hāshimiyy^u. Mīzān^u adh-dhahabⁱ fī šinā‘atⁱ shi‘rⁱ al-‘arabⁱ. –Al-Qāhirat^u: Hindāwiyy, 2016. – 484 ʃ.

Интернет ресурслари

10. <https://moluch.ru/archive/288/65112/>

11. <https://moluch.ru/archive/288/65113/>